



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-541

«    »    20    г

Бойсун тумани “Бойсун” массиви “Инкабод” маҳалласидан “BOYSUN VAHSIVORI” деҳқон озиқ-овқат бозори МЧЖга “Мол бозори” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 03-02/644-сон йиғилиш баёни, Бойсун тумани ҳокимининг 2020 йил 30 июлдаги 01-05/202-сон хатини кўриб чиқиб,

### Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 03-02/644-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. “Бойсун” массиви “Инкабод” маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 917-дала контуридаги 1,05 гектар яйлов ер майдонини “BOYSUN VAHSIVORI” деҳқон озиқ-овқат бозори МЧЖга “Мол бозори” қурилиши учун ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “BOYSUN VAHSIVORI” деҳқон озиқ-овқат бозори МЧЖга “Мол бозори” қурилишини 2020 йилнинг якунига қадар таъминласин.

4. “Мол бозори”нинг тозалик куни ҳар ҳафтанинг душанба куни этиб белгилансин.

5. “BOYSUN VAHSIVORI” деҳқон озиқ-овқат бозори МЧЖга “Мол бозори”нинг иш тартиби соат 5<sup>00</sup> дан 12<sup>00</sup> гача ва ундаги савдо ўринлари сони 300 та этиб белгилансин.

6. “BOYSUN VAHSIVORI” деҳқон озиқ-овқат бозори МЧЖ “Мол бозори” қурилишига ажратилган 1,05 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 17 582 271 (ўн етти миллион беш юз саксон икки минг икки юз етмиш бир) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами

23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

7. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бойсун тумани ҳокимлиги (А.Жўраев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

8. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонқулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов